

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСАНОВА ДИЛФУЗА ТУРСУНОВНА

**ТУҒИШ ЁШИДАГИ АЁЛЛАР СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ
ИНФЕКЦИЯЛАРИ ҚЎЗГАТУВЧИЛАРИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК
ТАВСИФИ ВА АСОСИЙ ТАКСОНОМИК БЕЛГИЛАРИ
ЎЗГАРУВЧАНЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.04 - Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исанова Дилфуза Турсуновна

Туғиш ёшидаги аёллар сийдик йўллари инфекциялари
қўзғатувчиларининг микробиологик тавсифи ва асосий
таксономик белгилари ўзгарувчанлигининг хусусиятлари 3

Исанова Дилфуза Турсуновна

Микробиологическая характеристика и особенности
вариабельности основных таксономических признаков
возбудителей инфекции мочевых путей у женщин
репродуктивного возраста 21

Isanova Dilfuza Tursunovna

Microbiological characteristics and peculiarities of variability
of the main taxonomic features of the urinary tract infections
in women of reproductive age..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСАНОВА ДИЛФУЗА ТУРСУНОВНА

**ТУҒИШ ЁШИДАГИ АЁЛЛАР СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ
ИНФЕКЦИЯЛАРИ ҚЎЗГАТУВЧИЛАРИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК
ТАВСИФИ ВА АСОСИЙ ТАКСОНОМИК БЕЛГИЛАРИ
ЎЗГАРУВЧАНЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.04 - Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib235 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Азизов Юрий Далиевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Абдухалилова Гулнора Кудратуллаевна тиббиёт фанлари доктори Миралимова Шахло Миржамаловна биология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: +99871 150-78-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тиббиёт соҳасида ўтказилаётган кенг қамровли илмий-амалий ҳамда фундаментал тадқиқотлар натижасида аниқланишича, одамларда кўп учрайдиган бактериал инфекциялардан бири бу сийдик йўллари инфекцияларидир. Ушбу инфекциялар барча ёшдаги аҳоли орасида кўп тарқалган бактериал инфекция ҳисобланади. Маълумотларга кўра, «... сийдик йўли инфекциялари билан касалланиш янги туғилган чақалоқлар ўртасида 1,0%, мактабгача ёшдаги болаларда 2-3% (ўғил/қизлар нисбати 1:10) қарияларда 20-30%ни ташкил қилади»¹. Сийдик йўллари инфекциялари қўзғатувчилари асосан периуретрал соҳани колонизация қилувчи микрофлора ҳисобланади. Булар орасида асосан *Enterobacteriaceae* оиласига мансуб бўлган *E.coli* етакчилик қилади. Сийдик йўли инфекцияларни микробиологик баҳолашни илмий асослаш ва микробиологик мониторинг механизмини ишлаб чиқиш бугунги кундаги хал қилиниши зарур долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ўткир ва сурункали сийдик йўллари инфекцияларини эрта ташҳислаш, патогенетик даволаш, профилактикасини такомиллаштириш бўйича юқори самарага эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ушбу инфекциялар патогенези, ташҳиси, даво тактикаси, касаллик якуни истиқболи улар этиологиясига узвий боғлиқлиги бўйича илмий манбалар мавжуд. Кўп давлатларнинг нуфузли илмий ҳамда клиник марказларида ўткир ва сурункали сийдик йўллари инфекцияларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари бажарилмоқда, бироқ сийдик йўли инфекциялари қўзғатувчилари асосий таксономик белгилари ўзгарувчанлик даражаси, улар вирулентлигининг макроорганизм иммунобиологик ҳолати билан боғлиқлиги, даволаш самарадорлигини аниқловчи мезонлар яратилиши, ушбу микроорганизмларнинг аёл турли биотопларида дисбиотик ҳолат келтириб чиқариши механизмлари ҳамда уларни даволаш бўйича оптимал схемаларнинг яратилиши, амалиётга жорий этилиши устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жадал ривожлантириш, тиббий хизматни замонавий моддий техник базасини юқори технологик усуллар билан таъминлаш билан биргаликда, репродуктив ёшидаги аёллар орасида сурункали касалликларни тўғри ташҳислаш ва даволаш тизими жорий қилинмоқда. Шунингдек, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш»² каби муҳим вазифалар юклатилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда туғиш ёшидаги аёллар сийдик йўллари инфекциялари қўзғатувчиларининг микробиологик

¹Плеханов А.Н., Дамбаев А.Б. Инфекция мочевых путей: эпидемиология, этиология, патогенез, факторы риска, диагностика (обзор литературы) // Бюллетень ВСНЦ СО РАМН. – Новосибирск, 2016. - №1 (107). – С.70-74.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тавсифи ва асосий таксономик белгилари ўзгарувчанлигининг хусусиятларни ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини батамом янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизматни амалга оширишни янада такомиллаштириш репродуктив ёшидаги аёллар орасида сийдик йўли касалликларни камайтириш ҳамда аёлларни соғлом бўлиш даражасини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сийдик йўллари инфекциялари муаммосининг муҳимлиги уларнинг амбулатор шароитдагина эмас, балки урологик ва соматик стационарлар шароитида ҳам кенг тарқалганлигидир. Ечимини кутаётган масалалардан бири бу туғиш ёшидаги аёлларда кечадиган сийдик йўллари инфекциялари кўзгатувчилари таксономик белгилари ўзгарувчанлиги, шу аснода уларнинг мавжуд микробиологик усуллар ёрдамида ўстириш кўрсаткичи пастлигидир (Сатликов Р.К., 2008; Каюков И.Г., 2015; Исхакова Х.И. ва ҳаммуал., 2017; Vrubaker L. et al., 2014). Ҳозирги вақтда сийдик йўли инфекцияларини асоратланмаган ва асоратланган инфекцияларга бўлишади. Бу туғиш ёшидаги аёлларни даволашга турлича ёндашувни келтириб чиқаради, асоратланмаган сийдик йўли инфекциялари давоси қийинчилик туғдирмасида, асоратли кўринишни даволаш ҳозирги кунда ҳам муаммо бўлиб ҳисобланади (Сатликов Р.К., 2008; Шипицына Е.В., 2015; Rouhi-Vogoujani H. et al., 2017). Ҳозирги кунгача сийдик йўли инфекциялари этиологиясига доир талай илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Ушбу илмий ишларнинг кўпчилигида сийдик йўли инфекцияларининг етакчи кўзгатувчиси *E.coli* эканлиги баён этилган (Сатликов Р.К., 2008; Зиганшин О.Р., 2016; Ulleryd P. et al., 2015). РФда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра *E.coli* асоратланмаган сийдик йўли инфекцияларининг 85,9% и беморлар сийдиги намуналарида ўсган, асосан аёллардан уларнинг кўп ажратиб олиниши кузатилган, аммо граммусбат коккларнинг ҳиссаси бунда 3-5% дан ортмаганлигини (Шипицына Е.В., 2015, Наумкина Е.В., 2016)

кўрсатиб беришган.

Ўзбекистонда сийдик йўли инфекцияларнинг микробиологик хусусиятлари ўрганилган (Исакова Х.И., 2017; Абдиримова А.Д., 2012), сийдик йўли инфекцияларнинг етакчи қўзғатувчиси *E.coli* эканлиги баён этилган (Сатликов Р.К., 2008; Абдуллаев Р.К., 2014) бироқ, туғиш ёшидаги аёллар сийдик йўллари инфекциялари қўзғатувчиларининг микробиологик тавсифи ва асосий таксономик белгилари ўзгарувчанлигининг хусусиятлари таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунгача ҳам туғиш ёшидаги аёллар сийдик йўли инфекциялари этиологиясига оид ўз ечимини топмаган масалалар мавжуд. Улар қаторига шартли патоген, патоген аэроб ва анаэроб микроорганизмларни сийдик йўли инфекциялари кузатилган аёллар биологик ашёларидан ажратиб олиш, уларнинг ўзаро алмашинувлари ўзига хослиги, ўсган қўзғатувчилар манзараси, асосий таксономик белгилари ўзгарувчанлик даражаси, сийдик йўллари шиллик қавати адгезивлик хусусиятининг ўзгарувчанлиги, организм турли биотоплари меъёрий микрофлораларининг сийдик йўли инфекциялари қўзғатувчилари билан боғлиқлиги, меъёрий микрофлора ўзгаришларининг касаллик кечиши истиқболлини белгиловчи мезонларини яратиш киради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ «Сийдик йўллари инфекцияларини микробиологик текшириш усулларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Туғиш ёшидаги аёллар сийдик йўллари инфекциялари қўзғатувчиларининг микробиологик тавсифи ва асосий таксономик белгилари ўзгарувчанлиги хусусиятларини солиштирма баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир ва сурункали сийдик йўллари инфекциялари кузатилган туғиш ёшидаги аёллар сийдигидан ажратиб олинган қўзғатувчилар микроб манзарасини солиштирма баҳолаш;

туғиш ёшидаги аёллар сийдик йўллари инфекциялари қўзғатувчилари асосий таксономик белгилари ўзгарувчанлигининг микробиологик ташхисий қийматини баҳолаш;

аёллардан идентификация қилинган сийдик йўллари инфекциялари асосий қўзғатувчилари адгезивлигини, бемор аёллар сийдиги антиадгезив фаоллигини аниқлаш ва баҳолаш;

сийдик йўллари инфекциялари ташхиси, даволаш самарадорлиги, истиқболлини белгилашнинг қўшимча микробиологик мезони сифатида тери аутомикрофлорасини аниқлашни тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўткир ва сурункали сийдик йўллари инфекциялари кузатилган 278 нафар туғиш ёшидаги аёллар, ушбу ёш гуруҳига мансуб 25 нафар эркаклар, 40 нафар соғлом аёллар ва 30 нафар

соғлом эркаклар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида текширилган бемор ва соғлом шахслар сийдиги намуналари, тери микрофлорасини баҳолаш учун улар биллагидан олинган босма-экма материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Кўйилган вазифаларни бажариш мақсадида бактериологик, бактериоскопик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туғиш ёшидаги аёлларда кечадиган сийдик йўллари инфекциялари кўзғатувчилари штаммларининг патогенлигини баҳолашда сахароза ферментлаши ва гемолитик фаоллигининг ортиши хослиги асосланган;

сийдик йўли инфекциялари кўзғатувчиларини штаммларининг адгезивлик даражаси ҳамда вирулентлиги касалликни истиқболдаги аҳамияти исботланган;

ўткир ва сурункали сийдик йўли инфекциялари дифференциал ташхисотида сийдик антиадгезив фаоллиги даражаси исботланган;

илк бор йирингли яллиғланиш жараёни ҳисобига тери аутомикрофлораси микдорининг ортиши ўткир ва сурункали сийдик йўли инфекцияларида юзага келадиган организм дисбиози даражасига корреляцион боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

сийдик йўллари инфекциялари мавжуд репродуктив ёшдаги аёллар сийдиги намуналаридан ажратиб олинган кўзғатувчилар микробиологик тавсифи, ўзгарувчанлик хусусиятларининг бактериологик ташхисий аҳамияти баҳоланган;

аёллар сийдик йўллари инфекциялари кўзғатувчиси *P.aeruginosani* бактериологик лаборатория шароитида идентификация қилиш мақсадида кўшимча тест сифатида «камалаксимон лизис» феноменини баҳолаш тизими асосланган;

репродуктив ёшидаги аёлларда кечган сийдик йўллари инфекциясининг ўткир ва сурункали кўринишлари дифференциал ташхисотида сийдик антиадгезив фаоллигидан фойдаланиш асосланган;

сурункали сийдик йўллари инфекцияларида даволаш самарадорлиги, баҳолашда кўшимча ташхисий мезон сифатида тери аутомикрофлорасидан фойдаланиш тартиби соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган микробиологик тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, олинган сийдик намуналари сонининг етарлиги, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, хулосалар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари илмий аҳамияти кўзғатувчилар асосий таксономик белгилари аниқланиш даражаси, ўткир ва сурункали СҲИ уропатоген штаммлари адгезивлик хусусиятлари аниқлангани, бемор аёллар сийдиги антиадгезив

фаоллиги аниқлангани, тери аутомикрофлорасини аниқлаш усулидан касалликнинг сурункали кўриниши кечишини баҳолашнинг кўшимча ташҳисий мезони сифатида фойдаланилиши замонавий даражада кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туғиш ёшидаги аёлларда кечадиган СҲИ кўзгатувчилари ўзгарувчанлик хусусиятларининг ташҳисий қиймати аниқланганлиги, фертил ёшдаги аёлларда кечган СҲИ нинг ўткир ва сурункали кўринишлари дифференциал ташҳисидида сийдик антиадгезив фаоллигидан фойдаланиш бактериологик лабораториялар амалиёти учун тавсия этилганлиги, сурункали СҲИ да касаллик якуни истикболини белгилаш мақсадида кўшимча ташҳисий мезон сифатида тери аутомикрофлорасини аниқлаш соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туғиш ёшидаги аёллар сийдик йўллари инфекциялари кўзгатувчиларининг микробиологик тавсифи ва асосий таксономик белгилари ўзгарувчанлигининг хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

«Репродуктив ёшдаги аёлларда кечадиган сийдик йўллари инфекцияларида тери аутомикрофлорасини аниқлашнинг ташҳисий қиймати» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 ноябрдаги 8н-д/256-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома асосида СҲИ ўткир ва сурункали кўринишларининг кўшимча микробиологик ташҳис усули сифатида тери аутомикрофлорасини аниқлаш, бу усулдан касаллик сурункали кўриниши кечиш даражасини баҳолашнинг кўшимча ташҳисий мезони сифатида фойдаланиш тавсия этилган;

туғиш ёшидаги аёллар сийдик йўллари инфекциялари кўзгатувчиларининг микробиологик тавсифи ва асосий таксономик белгилари ўзгарувчанлигининг хусусиятларни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Андижон шаҳар Темир йўл тармоқ Давлат санитария эпидемиология нazorати маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йилдан 22 майдаги 8н-з/80-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши репродуктив ёшдаги аёлларда кечадиган сийдик йўллари инфекцияларида касалликни микробиологик ташҳислаш самарали тизими ишлаб чиқилиб, тери аутомикрофлорасини аниқлаш бутун организм меъерий микрофлорасидаги ўзгаришлар йўналишини кўрсатиш орқали касалликни тўлиқ ташҳислаш, даволаш тизимини баҳолаш, микробиологик ташҳислаш вақтини камайтириш ҳамда сарфланадиган ортиқча иш вақтини тежашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро анжуманда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Репродуктив ёшдаги аёллар сийдик йўллари инфекцияларининг клиник-патогенетик ва микробиологик жиҳатларининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида сийдик йўллари инфекцияларининг учраш даражаси, патогенетик, клиник ва ташхисий жиҳатлари, сийдик йўллари инфекциялари кўзгатувчилари ва улар асосий таксономик белгиларининг тавсифи, СЙИ кўзгатувчилари асосий биологик хусусиятлари тавсифи бўйича маълумотлар келтирилган охириги йиллар илмий манбалари шарҳи ўрин олган.

Диссертациянинг **«Репродуктив ёшдаги аёллар сийдик йўллари инфекциялари кўзгатувчиларининг микробиологик тавсифи ва таксономик белгилари ўзгарувчанлигини аниқлашнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморлар контингентига тавсиф, касаллик клиник хусусиятлари ва фойдаланилган усуллар батафсил баён этилган. Мазкур диссертация ишини бажариш мақсадида жами 1026 нафар туғиш ёшидаги (18-49 ёш) СЙИ билан касалланган (асосий гуруҳ) ва соғлом (назорат гуруҳи) аёллар тадқиқотларга жалб қилинган. Улар сийдиги намуналари бактериологик текширувдан ўтказилган.

Текширилган бемор аёллар (асосий гуруҳ, n=986) ёш гуруҳларига қуйидагича тақсимланган: 18-35 ёш - етук репродуктив ёш (n=578, 58,6±1,6%); 36-49 ёш - кеч репродуктив ёш (n=408, 41,4±1,6%).

Назорат гуруҳига киритилган соғлом аёллар ҳам (n=40) шу ёш гуруҳлари бўйича тақсимланган: 18-35 ёш - етук репродуктив ёш (n=25, 62,5±7,6%); 36-49 ёш - кеч репродуктив ёш (n=15, 37,5±7,6%).

СЙИ кузатилган бемор аёллар гуруҳига сийдик йўллари ҳолатига салбий таъсир этувчи касб касалликлари билан касалланган бемор аёллар, сийдик

йўлларида махсус кўзғатувчилар (сил, сўзак, захм кўзғатувчилари ва бошқалар) чақирган инфекциялар, сийдик йўллари ўсма касалликлари, сурункали нефрологик касалликлар кузатилган аёллар киритилмаган.

Соғлом аёллар гуруҳига СЙИ билан касалланмаган, охириги 2 йилда бундай касалликларга хос симптомлар кузатилмаган аёллар киритилган, уларнинг ёши, турмуш тарзи, яшаш шароити бемор аёллар гуруҳи билан репрезентатив бўлган. Иккинчи назорат гуруҳини шу ёшдаги эркак жинсига мансуб соғлом шахслар ташкил ($n=30$) этган. Улар сийдиги намуналари ҳам аёлларники сингари бактериологик текширувдан ўтказилган.

СЙИ кўзғатувчилари орасида минтақавий тафовутлар бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида олинган микробиологик тадқиқотлар натижаларини беморлар турар жойига нисбатан таққослаш мақсадида Андижон (бемор аёллар - $n=628$, $63,7\pm 1,5\%$; соғлом аёллар - $n=23$, $57,5\pm 7,8\%$) ва Хоразм вилоятларида (бемор аёллар - $n=358$, $36,3\pm 1,5\%$; соғлом аёллар - $n=17$, $42,5\pm 7,8\%$) муқим истиқомат қилувчи аёллар ўрганилган.

Микробиологик тадқиқотларга жалб этилган барча текширилган туғиш ёшидаги (18-49 ёш) СЙИ кузатилган бемор аёлларнинг ($n=986$) 194 нафарига ўткир СЙИ, 84 нафарига сурункали СЙИ ташҳиси (жами $n=278$) клиник, лаборатор-инструментал усуллар ёрдамида верификация қилинган, бактериологик усуллар ёрдамида тасдиқланган. Кўзғатувчилар спектрини таққослаш мақсадида 25 нафар СЙИ кузатилган эркаклар сийдик намуналари ҳам микробиологик таҳлил қилинган. Бактериологик текширишлар учун «HiMedia» фирмаси (Ҳиндистон) озик муҳитларидан фойдаланилган.

Авлодлараро ва турлараро идентификация усуллари ўсган кўзғатувчилар штаммлари асосий биологик хусусиятлари белгиларини аниқлаш бўйича келтирилган.

Ўсган штаммларни авлодигача идентификация қилиш учун қуйидаги синамалар ўтказилган: каталаза синамаси (коагулазамусбат, когулазанегатив стафилококклар дифференциацияси учун); культуранинг 45°C да ўсиши (стафилококклар идентификациясида); культуранинг 10% ли NaCl тутувчи муҳитда ўсиши (стафилококклар идентификациясида).

Штаммларнинг туригача идентификацияси учун қуйидаги синамалардан фойдаланилган: коагулаза синамаси (стафилококклар идентификациясида); ипир-ипир ҳосил бўлиш реакцияси; маннит ферментацияси синамаси; новобиоцинга сезгирлик; индол ва сероводород ҳосил бўлиши (культуранинг протеолитик хусусиятини ўрганиш учун); фенилаланиндезаминани аниқлаш; Фогес-Проскауэр реакцияси; Хью-Лейфсон синамаси (*P.aeruginosa* дифференциацияси учун).

Бажарилган тадқиқотнинг микробиологик жиҳатларини баҳолаш учун анъанавий микробиологик усуллардан фойдаланилган. Биологик ашёни олиш ва уни бактериологик лабораторияга етказиш анъанавий усулларда (Зубков М.Н., 2004) амалга оширилган. Микроорганизмлар идентификацияси Bergey's Manual Systematic Bacteriology (1997) бўйича олиб борилган.

Уропатоген кўзғатувчилар адгезивлик хусусиятларини ўрганиш одам

O(I), Rh⁺ гуруҳига мансуб қони эритроцитларида Брилис В.И. (1986) усули бўйича ўтказилган. Адгезивлик хусусиятлари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланган: АЎК (адгезиянинг ўртача кўрсаткичи) - битта эритроцитга бириккан микроорганизмлар ўртача миқдори (50 та эритроцит саналганда). Бунда 1 та кўриш майдонида 5 та эритроцит борлиги ҳисобга олинади; К - адгезияда эритроцитлар қатнашиш коэффиценти (юзасида микроорганизмлар адгезия бўлган эритроцитлар фоизи); МАИ (микроорганизмлар адгезивлик индекси) - 1 та эритроцит юзасида адгезия бўлган микроорганизмлар ўртача миқдорининг адгезия жараёнида иштирок этган штаммлар миқдорига нисбати. МАИ ни ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилган: $МАИ = АЎК \times 100 / К$; АУБМ (адгезияга учраган бактериялар миқдори) - 1 та эритроцит юзасида адгезия бўлган бактериялар маълум миқдори (Бектимиров А.М ва ҳаммуал., 2004). АЎК ва МАИ қуйидагича баҳоланган - АЎК: манфий - 0-1,0 бирлик; паст - 1,01-2,0 бирлик; ўртача - 2,01-4,0 бирлик; юқори - 4,0 бирликдан кўп. МАИ: манфий - 0-1,75 бирлик; паст - 1,76-2,5 бирлик; ўртача - 2,51-4,0 бирлик; юқори - 4,0 бирликдан кўп.

Сийдик чиқариш йўллари шиллик қавати шиллиғи антиадгезив фаоллигини (сийдикнинг антиадгезив фаоллигини) аниқлаш Сатликов Р.К. ва ҳаммуал. (2006) томонидан тавсия этилган ҳамда биз томондан модификация қилинган усул ёрдамида *in vitro* аниқланган. Модификация қилинган усул туғиш ёшидаги текширилаётган соғлом ёки СЙИ кузатилган аёлдан олинган сийдик намунаси таъсири натижасида фойдаланилаётган тест-микроорганизм адгезивлик фаоллиги ўзгаришига асосланган. Тест-микроорганизм сифатида соғлом шахс нажасидан ажратиб олинган *E.coli* нинг бир кунлик культураси тавсия этилган. Антиадгезив хусусиятни ўрганиш учун одам O(I) Rh⁺ қони эритроцитлари (формалинланган эритроцитлар ўрнига), ўткир ва сурункали СЙИ ташхисланган бемор аёллар сийдиги намунаси, *E.coli* суспензияси аралаштирилган. Назорат пробиркада сийдик физиологик эритма билан алмаштирилган. Пробирка тубида чўкма ҳосил қилиш учун эритроцитлар, тест-микроорганизм, сийдик намунасидан иборат аралашма солинган синов пробиркаси ҳамда назорат пробиркаси ОПН-8 маркали центрифугада (РФ) 1500 айл/минут 15 минут давомида айлантирилган. Шундан сўнг АЎК (Брилис В.И., 1986; Бектимиров А.М-Т. ва ҳаммуал., 2004) ҳисобланган. . Натижа сийдикнинг антиадгезив фаоллиги мезони (АФМ) кўринишида ифодаланган: $АФМ = 1 - N_T / N_n$, бунда N_T - тажрибада АЎК; N_n - назоратда АЎК.

АФМ нинг баҳолаш мезони Сатликов Р.К., Отажонов О.Р., (2006) таклиф этишган ва муаллиф томонидан модификация қилинган даражалар асосида ўтказилган. У қуйидагича тус олган: I-даража - манфий (АФМ=0); II-даража - паст (АФМ=0,1-0,3 бирлик); III-даража - ўрта (АФМ=0,4-0,6 бирлик); IV-даража - юқори (АФМ=0,7-1,0 бирлик).

Натижаларни статистик ишлаш учун анъанавий вариацион статистика усулларида фойдаланилган. Барча текширишлар «Pentium-4» процессорли персонал компьютерларда «Excel» дастури ёрдамида амалга оширилган. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш далилларга асосланган тиббиёт

тамойиллари асосида бажарилган.

Диссертациянинг «Сийдик йўли инфекциялари кузатилган аёллар сийдик намуналаридан унган қўзғатувчилар манзараси ва улар сийдиги антиадгезив фаоллиги» деб номланган учинчи бобида СЙИ билан оғриган бемор аёллар сийдиги намуналаридан ажратиб олинган микроорганизмлар манзараси, қўзғатувчиларнинг асосий таксономик белгилари, улар ўзгарувчанлиги ҳамда антиадгезив фаоллигини ўрганиш бўйича материаллар келтирилган.

Клиник аҳамиятли бактериурия (10^5 ҚХҚБ/мл ва ундан кўп) сифатида сийдикнинг энг катта суюлтирмасидан ажратиб олинган уроинфекция қўзғатувчилари ҳисобланди. Клиник аҳамиятли бактериурия 278 та намунада ($28,2 \pm 1,4\%$), клиник аҳамиятга эга бўлмаган бактериурия (10^5 ҚХҚБ/мл дан кам) 528 намунада ($53,5 \pm 1,6\%$), стерил сийдик намуналари 180 та ҳолатда ($18,2 \pm 1,2\%$) аниқланган. Кейинги босқичдаги кенгайтирилган микробиологик тадқиқотларга клиник аҳамиятли бактериурия ҳолати кузатилган бемор аёллар ($n=278$) ва улардан ажратилган қўзғатувчилар жалб қилинди.

Олинган натижалар кўрсатишича, грамманфий бактерияларнинг этиологик роли туғиш ёшидаги аёллар ва шу ёшга мансуб эркакларда бир бирига яқин бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Туғиш ёшидаги сийдик йўллари инфекциялари кузатилган аёллар сийдик намуналаридан ажратиб олинган қўзғатувчилар манзараси

Қўзғатувчи	Туғиш ёшидаги бемор аёллар, $n=278$		Шу ёшдаги бемор эркаклар, $n=25$	
	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%
<i>S.epidermidis</i>	17	$6,1 \pm 1,4$	2	$8,0 \pm 5,4$
<i>S.aureus</i>	6	$2,2 \pm 0,9$	2	$8,0 \pm 5,4$
<i>S.haemolyticus</i>	5	$1,8 \pm 0,8$	2	$8,0 \pm 5,4$
<i>S.saprophyticus</i>	5	$1,8 \pm 0,8$	-	-
<i>S.viridans</i>	3	$1,1 \pm 0,6$	-	-
<i>E.faecalis</i>	11	$4,0 \pm 1,2$	1	$4,0 \pm 3,9$
Граммусбат флора (жами)	47	$16,9 \pm 2,2$	7	$28,0 \pm 9,0$
<i>E.coli</i>	165	$59,4 \pm 2,9$	14	$56,0 \pm 9,9$
Гемолитик <i>E.coli</i>	19	$6,8 \pm 1,5$	1	$4,0 \pm 3,9$
<i>Enterobacter spp.</i>	5	$1,8 \pm 0,8$	-	-
<i>Citrobacter spp.</i>	2	$0,7 \pm 0,5$	-	-
<i>Proteus spp.</i>	6	$2,2 \pm 0,9$	1	$4,0 \pm 3,9$
<i>Klebsiella spp.</i>	12	$4,3 \pm 1,2$	1	$4,0 \pm 3,9$
<i>P.aeruginosa</i>	11	$4,0 \pm 1,2$	1	$4,0 \pm 3,9$
Грамманфий флора (жами)	220	$79,1 \pm 2,4$	18	$72,0 \pm 9,0$
<i>Candida spp.</i>	8	$2,9 \pm 1,0$	-	-
<i>Bacteroides spp.</i>	3	$1,1 \pm 0,6$	-	-

Туғиш ёшидаги СЙИ кузатилган аёллардан ажратилган 278 штаммдан кўпчилигини ($59,4 \pm 2,9\%$, $n=165$) *E.coli* ташкил этган. Эркак беморларда ҳам шундай ҳолатга гувоҳ бўлинган. Шу оилага мансуб *Klebsiella spp.*, *Proteus spp.*, *Enterobacter spp.*, *Citrobacter spp.* ичак таёқчасига нисбатан ишонарли даражада кам ажратиб олинганлиги билан тавсифланган ($P < 0,001$). *P.aeruginosa* нинг уропатоген микроорганизмлар орасида юқори фоизларда учраши ҳам ($4,0 \pm 1,2\%$, $n=11$) эътиборни жалб қиладиган ҳолат. Аниқланишича, гемолитик *E.coli* нинг учраш даражаси ($6,8 \pm 1,5\%$, $n=19$) катта миқдорни ташкил этиши жараённинг сурункали кўринишга ўтаётганини билдирувчи белгилардан биридир, чунки шу штаммлар ушбу биотопда узоқ персистенция қилиш баробарида патогенлик хусусиятини шакллантирган.

Граммусбат кокклар орасида етакчилик *S.epidermidis* ($6,1 \pm 1,4\%$, $n=17$) *S.aureus* ларда ($2,2 \pm 0,9\%$, $n=6$) бўлгани бошқа муаллифларнинг илмий манбаларида келтирилган натижалардан айтарли фарқ қилмади. Ҳар иккала жинс вакилларида ҳам грамманфий бактерияларнинг граммусбат коккларга нисбатан ишонарли равишда кўп идентификация қилиниши (аёлларда 4,7 мартага, эркакларда 2,6 мартага - $P < 0,001$) фақат шу инфекцияларга хос ҳолат сифатида талқин этилган.

Жинслараро тафовутларга назар солсак, кўзғатувчиларнинг учраш даражаси бўйича ишонарли тафовут кузатилмаган. Аёллардан фарқли равишда бемор эркакларда *E.coli* нинг гемолитик штаммлари, шунингдек, анаэроблар (*Bacteroides spp*) ва микроскопик замбуруғлар (*Candida spp*) идентификация қилинмаган.

Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, клиник аҳамиятли бактериурияда ($n=278$) кўзғатувчилар монокультуралари ажратиб олинди, микроорганизмлар ассоциациялари учрамаган. Бу ҳолат ўткир ва сурункали кўринишларда бир хилда намоён бўлиб, бошқа йирингли-яллиғланиш касалликларидан сезиларли даражада фарқланган.

Касалликлар кечиш динамикасида бир кўзғатувчининг иккинчисига алмашилиши касаллик якуни истиқболлини белгилашда муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олган ҳолда бу кўрсаткич солиштирма баҳоланган.

Аниқланишича, ўткир СЙИ да ($n=194$) кўзғатувчилар алмашинуви кам кузатилган- фақат 3 та ҳолатда ($1,5 \pm 0,9\%$), унда ҳам 2 та ҳолатда *Enterobacter spp.*, 1 та ҳолатда *Proteus spp* *E.coli* билан алмашган.

Инфекциянинг сурункали кўринишида ҳам ўткирга нисбатан кескин фарқ қилувчи тафовут аниқланмаган. Фарқли жойи алмашинувлар сонининг нисбатан кўплиги ва граммусбат коккларнинг грамманфий бактерияларга алмашганидир. Сурункали СЙИ кечиш динамикасида туғиш ёшидаги аёлларда ($n=84$) алмашинув 9 та ҳолатни ташкил этган ($10,7 \pm 3,4\%$)- 4 та ҳолатда *S.epidermidis*, 3 та ҳолатда *S.saprophyticus*, 2 ҳолатда *E.faecalis* *E.coli* (3 та ҳолатда) ва *P.aeruginosa*га (6 та ҳолатда) алмашган. Нопатоген микроорганизмларнинг патогенлари билан, бундан ташқари касалхона ичи штаммлари қаторига кирувчи бактериялар билан алмашинуви беморда

сурункали жараённинг аста-секин ривожланиб бораётгани ва касаллик якунининг истикболи номақбул эканлигини кўрсатган.

Туғиш ёшидаги аёллар сийдик намунасида ажратилган *E.coli* штамmlарининг биокимёвий хусусиятларини ўрганиш унинг глюкоза, лактоза, мальтоза, арабиноза, маннит, натрий цитрати, глюкозани утилизация қилганини, сорбит, инозит, натрий малонатни парчаламаганини, сероводородни ишлаб чиқармаганини, уреаз, аргининдегидролаза, фенилаланиндезаминаза фаолликларига эга эмаслигини кўрсатган. Таҳлил натижаларига мувофиқ СЙИ ташхисланган аёллардан ажратиб олинган штамmlарнинг амалий жиҳатдан ярмиси сахарозани парчаламаган.

Барча ўрганилган штамmlар (*E.coli* нинг 19 та штаммидан ташқари) гемолитик фаолликка эга бўлмаган. Кўп миқдорда уропатоген қўзғатувчилар сифатида ўсган штамmlарнинг патогенлик хусусиятлари улар патогенлик омиллари аниқланиш фоизи билан тавсифланган. Жами ўткир СЙИ нинг 35 та ва сурункали СЙИ нинг 25 та штамmlари патогенлик омиллари ўрганилган. Плазмакоагулаза, лецитиназа, гиалуронидаза фаолликларига эга бўлган штамmlар катта фоизларни ташкил этган. Дикқатни жалб этган жиҳат шуки, гемолитик хусусият кам фоизларда фақат *E.coli* (n=19) да аниқланган. Патогенлик омилларининг аниқланиши бўйича грамманфий бактериялар ва граммусбат кокклар орасида айтарли тафовутлар аниқланмаган, ушбу параметр бўйича шунга ўхшаш ишонарли фарқлар кузатилмагани ўткир ва сурункали СЙИ орасида ҳам кузатилган.

Демак, уропатоген қўзғатувчилар ҳисобланган штамmlар ва бошқа биотопдан олинган шу турга мансуб микроорганизмлар штамmlари орасида асосий таксономик белгилари аниқланишида айтарли тафовутлар кузатилмаган. Биологик хусусиятлари ўзгарувчанлиги ҳам кам фоизларда бўлиб, қўзғатувчиларни авлоди ҳамда туригача идентификация қилинишига тўсқинлик қилмаган. СЙИ нинг ўткир ва сурункали кўринишларида штамmlар биокимёвий, патогенлик хусусиятларида ҳам амалий жиҳатдан ишонарли тафовутлар аниқланмаган. Бу эса туғиш ёшидаги аёлларда СЙИ келтириб чиқарувчи уропатоген штамmlар асосий таксономик белгилари, улар ўзгарувчанлиги хусусиятлари бўйича микробиологик текширишлар ташхисий алгоритмига киритиладиган даражадаги ўзгаришлар йўқлигини кўрсатган. Бундай ҳолат олинган натижаларнинг олдинги чоп этилган илмий ишлар натижаларидан фарқ қилишини кўрсатган.

Илмий ишнинг кейинги босқичи СЙИ кузатилган туғиш ёшидаги аёллар сийдик чиқариш йўллари шиллик қавати антиадгезив хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг ташхисий қийматига баҳо бериш бўлган.

Маълумки, сийдик йўллари шиллик қават юзасида микроорганизмлар колонизациясига тўсқинлик қиладиган омиллар (антиадгезив хусусият) маҳаллий иммунитетнинг муҳим механизми сифатида қаралади. Олинган натижалар асосида сийдик чиқариш йўллари шиллик қавати маҳаллий иммунитетни функционал ҳолатини баҳолаш учун уропатоген қўзғатувчилар штамmlари адгезивлик хусусияти ўрганилган. Барча ҳолатларда уропатоген *E.coli* штамmlаридан фойдаланилган.

Ўткир СЙИ кузатилган туғиш ёшидаги аёллар сийдиги намуналаридан ажратилган *E.coli* штаммлари соғлом аёллар нажаси намуналаридан ажратиб олинган *E.coli* штаммларига қараганда ишонарли даражадаги юқори адгезивликка эга эканлиги кузатилган. Бунда АЎК мос равишда $4,2 \pm 0,3$ бирликка қарши $1,9 \pm 0,2$ бирлик ($P < 0,05$), сурункали СЙИ да бу кўрсаткич $2,8 \pm 0,2$ бирликни ташкил этган ($P < 0,05$). Демак, *E.coli* штаммлари бўйича ўткир кўринишда адгезивлик «юқори даража»да, сурункали кўринишда «ўртача даража»да, соғлом аёлларда бўлса «паст даража»да бўлган. Адгезивликка эга бўлмаган (АЎК 0,7 ва ундан паст) уропатоген штаммлар аниқланмаган. МАИ бўйича ҳам амалий жиҳатдан бир хил натижалар кузатилган. АУБМ кўрсаткичи ҳам ўткир кўриниш келтириб чиқарган кўзғатувчиларда сурункали ҳолатга нисбатан юқори бўлган.

АФМ нинг энг баланд кўрсаткичи соғлом аёллар сийдиги намуналарида аниқланган - $0,9 \pm 0,03$ бирлик (IV-даража-юқори), энг паст сурункали СЙИ ли бемор аёллар гуруҳида - $0,3 \pm 0,02$ бирлик (II-даража-паст), ўткир СЙИ ли бемор аёллар сийдигидаги антиадгезив фаоллик $0,6 \pm 0,03$ бирлик (III-даража-ўрта) чегарасида бўлган.

Диссертациянинг «Сийдик йўллари инфекциялари ташхисланган фертил ёшдаги аёллар тери микробиоценозини қиёсий баҳолаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобидан ўткир ва сурункали СЙИ аёллар тери микробиоценози ўрганиш ва қиёсий баҳолаш натижалари бўйича материаллар келтирилган.

Организм биотопларида кузатиладиган дисбиотик ҳолатлар турли патология олди ва патологик ҳолатлар, шу жумладан йирингли-яллиғланиш касалликларида ҳам аниқланади. Турли биотопларда кузатиладиган дисбиоз кечаётган асосий касаллик кечишини узайтириши, нозологик бирликнинг сурункали ҳолатга ўтишини таъминлайди. Бу маълумотлар асосида организм меъёрий микрофлораси миқдорий ва сифатий кўрсаткичларини аниқлаш муҳим. Аммо бу катта ҳажмдаги иш бўлиб, кўп вақт, маблағ ва юқори малакали мутахассислар бўлишини талаб қилади. Шунини ҳисобга олган ҳолда меъёрий микробиоценоз ҳолатини осон, камхарж ва қулай усуллар ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун меъёрий микрофлора ҳолати орқали касаллик кечиши ва истикболини белгилаш мезонларини ишлаб чиқиш, улар ташхисий қийматини белгилаш амалий аҳамиятга эга.

Олинган натижалар шунини кўрсатдики, соғлом аёл (1-назорат гуруҳи) ва соғлом эркалар (2-назорат гуруҳи) орасида тери микробиоценози кўрсаткичлари бўйича ишонарли тафовутлар кузатилмаган - мос равишда $88,10 \pm 5,0\%$ ва $90,0 \pm 5,48\%$. Олинган натижалар тери микробиоценози кўрсаткичларининг жинсга боғлиқ фарқлари йўқлигини кўрсатган. Аммо ўткир СЙИ кузатилган аёлларда тери микробиоценозининг меъёр кўрсаткичлари (битта бакпечаткада 20 тагача КХҚБ) соғлом аёлларга нисбатан ишонарли кам бўлган - $48,46 \pm 3,59\%$ га ($n=94$) қарши $88,10 \pm 5,0\%$ ($n=37$) - $P < 0,001$. Шунга ўхшаш натижа сурункали СЙИ кузатилган аёлларда ҳам намоён бўлган - $44,05 \pm 5,42\%$ га ($n=37$) қарши $88,10 \pm 5,0\%$ ($n=37$) - $P < 0,001$.

Турли кўринишдаги СЙИ кузатилган аёлларда тери микробиоценози

меъёр кўрсаткичлари пасайиши баробарида уларнинг ошган (битта бакпечаткада 20 та дан 100 тагача КХҚБ) ва юқори (битта бакпечаткада 100 та КХҚБ дан кўп) кўрсаткичлари ошган ва меъёр кўрсаткичларидан юқори бўлган ($P < 0,05$). Тери микробиоценозининг ҳар учала кўрсаткичи бўйича ошган ва юқори кўрсаткичлар ҳам соғломлар, ҳам беморлар гуруҳларида меъёр кўрсаткичларидан ишонарли фарқ қилган.

